

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 8 кун, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг раиси Ш.Мирзакаримов, судья ёрдамчиси Ж.Ғуломовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пахтаобод туман прокурори ёрдамчиси О.Иброҳимов, жабрланувчи А.Эгамов, фуқаровий даъвогар М.Тошматов, судланувчи А.Ташматов ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “Нажот” адвокатлик фирмаси адвокати О.Мадаминовнинг иштирокида, Ташматов Ахмадали Шермаҳамматовичга нисбатан 1-1712-2101/82-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Ташматов Ахмадали Шермаҳамматович (Tashmatov Ahammadali Shermaxammatovich), 1984 йил 4 апрелда Жалолқудуқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Жалақудуқ тумани, Янгиобод МФЙ, О.Шерқўзиёева кўчасида яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2021 йил 8 сентябрдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 8 сентябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Ташматов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 10 июнь кун укаси М.Тошматовга тегишли “Камаз” русумли, 60 904 FAA давлат белгили юк автомашинасини унинг розилигисиз Пахтаобод тумани, Илтифот МФЙ, Айрилиш кўчасида яшовчи А.Эгамовга ўзаро келишув асосида 8.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, юк автомашинасини тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи хужжатлари йўқлигини, автомашинани А.Эгамовнинг номига расмийлаштириб бўлмаслигини ундан яшириб, уч кун ичида келишув бўйича транспорт воситасини нотариал тартибда номига расмийлаштириб беришини ёлғондан айтиб, А.Эгамовнинг анча миқдорни ташкил қилган 60.919.140 сўм қийматга тенг бўлган 6.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу пул



маблағларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юбориб, берилган ваъдани бажармасдан ёки олинган пулларни қайтармасдан, А.Эгамовнинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи А.Ташматов суд мажлисида айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, 2016 йилда таниши И.Файзматовдан укаси М.Тошматов билан “Камаз” русумли, 60 904 FAA давлат белгили юк автомашинасини 10.000 АҚШ долларига сотиб олганларини, келишилган пулни тўлиқ И.Файзматовга беришгани, аммо автомашинани тегишли хужжатлари йўқлиги сабабли ўзини номига ўтказиш олмаганини, аммо автомашинани ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланиб келганини, тадбиркорлик қилиш мақсадида 2019 йилнинг баҳор ойларида Жалақудуқ туманида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ғишт заводини ижарага олиб фаолиятини йўлга қўйганини, ғишт заводига кўмир олиш учун пул кераклиги учун ушбу укасига тегишли “Камаз” автомашинасини сотмоқчилигини кейинчалик билган Пахтаобод туманида яшовчи А.Эгамов уни ғишт заводида ишловчи Б.Шерматов орқали эшитиб, “Камаз” автомашинасини олмоқчи бўлиб келганида, ушбу автомашинани 2020 йил 10 июнь куни А.Эгамов билан келишиб 8.000 АҚШ долларига сотгани, келишувга кўра автомашинани А.Эгамов пулини тўлиқ берганидан сўнг номига ўтказиб беришини айтганини, аммо унга автомашинани хужжатлари жойида эмаслигини айтмаганини, укаси М.Тошматов автомашинани сотишига дастлаб қарши бўлгани, аммо сотиб юборганини эшитганидан сўнг эътироз билдирмаганини, ўшанда А.Эгамовдан 6.000 АҚШ долларини олиб, қолган 2.000 АҚШ долларини автомашинани расмийлаштириб берганидан сўнг олишга келишганларини, сўнгра А.Эгамовдан олган пулни ғишт заводи учун ишлатиб юборганини, бу вақтда автомашинани қонуний эгаси вафот этгани, автомашина Россия Федерациясидан келтирилганидан сўнг хужжатлари тўлиқ бўлмагани сабабли автомашинани А.Эгамовнинг номига ўтказиб бера олмаганини, кейинчалик А.Эгамовни ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини билганини, ушбу жиноятни содир этиб нотўғри иш қилганини тушунганини, қилган ҳаракатларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчига етказилган 6.000 АҚШ доллари ва автомашинани таъмирлатиш учун кетган 1.000 АҚШ доллари тўлиқ қопланганини, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.Эгамов суд мажлисида, 2013 йилдан буён Пахтаобод туманидаги “Олтин” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келишини, хўжалик ишларида “Камаз” русумли автотранспорт воситаси кераклиги сабабли танишларидан сотиладиган юк автомашинаси бўлса олишини айтиб қидириб юрганида, маҳалладоши Б.Шерматов билан кўришиб қолганларида, у унга “Камаз” русумли юк автомашинаси сотиб олиш ниятида юрганини эшитгани, у ишлаётган Жалақудуқ туманидаги штхона эгасини сотиладиган “Камаз” русумли юк автомашинаси



борлигини, автомашина ҳолати яхши эканлигини айтганида, у А.Ташматов билан телефонда гаплашиб, унинг яшаш ҳонадонига 2020 йил март ойи бошларида борганида уйдан укаси М.Тошматов билан чиқиб келишгани ва кўчада турган Камаз русумли, 60 904 FAA давлат белгили автомашинани кўрсатгани, сўнгра у билан бирга келган Муроджон ака автомашинани бошқариб кўриб, ҳолати яхши эканлигини ва сотиб олиши мумкинлигини айтганида, у А.Ташматовга “Камаз” автомашинаси учун 8.000 АҚШ доллари беришини, олдиндан 6.000 АҚШ долларини, қолган 2.000 АҚШ долларини эса буғдой ўримидан кейин беришини айтганида, А.Ташматов ва унинг укаси М.Тошматов ушбу таклифга рози бўлишмагани ва у келиша олмасдан яшаш ҳонадонига қайтиб келганини, сўнгра 2020 йилнинг апрель ойи ўрталарида А.Ташматов унга қўнғироқ қилиб, “Камаз” автомашинасини у айтган нарҳга сотишга рози эканликларини, пулни олиб келиб автомашинани олиб кетаверишини айтганида, у маҳалладоши Муроджон ака билан Жалақудуқ туманидаги А.Ташматовни ғишт заводига боришгани, шунда А.Ташматов билан “Камаз” автомашинаси ҳақида гаплашиб турганида, А.Ташматовни укаси М.Тошматов автомашина сотилмаслигини айтиб, ака-укалар тортишиб кетишгани, шунда у автомашинани сотишдан аввал ўзаро келишиб олишларини айтиб уйга қайтиб келганини, 2020 йил 10 июнь куни А.Ташматов унга телефон қилиб, “Камаз” автомашинасини сотиш учун Пахтаобод туманига келаётганини билдирганида, у А.Ташматовга уйда экани ва келаверишини айтганида, шу куни соат 15.00ларда А.Ташматов “Камаз” русумли, 60 904 FAA давлат рақамли автомашинасини бошқариб, кейинчалик билган Ж.Хўжамбердиев билан бирга келишганида, у А.Ташматовга “Камаз”ни сотиб олмаслигини, автомашина низоли эканлигини, укаси билан келишиб олишини билдирганида, А.Ташматов унга укаси М.Тошматов билан ўзаро келишиб олганини, ғиштхонага кўмир олиб келгани ва пул бериши кераклигини айтганида, у автомашина ичига қараганида, автомашина бортини ички қисмида кўмир қолдиқларини кўриб, А.Ташматовни гапига ишониб, автомашина тех паспортини сўраганида, А.Ташматов тех паспорт укаси М.Тошматовда экани, отаси вафот этганлигини, укаси отасига эҳсон қилаётганлигини, эҳсондан сўнг тех паспортни укаси билан бирга олиб келиб беришларини айтганида, унинг гапига ишониб А.Ташматов билан автомашинани 8.000 АҚШ долларига келишиб, олдиндан 6.000 АҚШ долларини бериб, қолган 2.000 АҚШ долларини автомашинани нотариал тартибда олди-сотди шартнома қилгандан сўнг беришини айтганида, А.Ташматов унга “Камаз”ни бериб, пулни олиб кетаётганида тилхат ёзиб берганини, ушбу ҳолатга А.Жўраев ва А.Ташматов билан бирга келган Ж.Хўжамбердиевлар гувоҳ бўлиб тилхатга имзо қўйиб беришганини, сўнгра 2020 йил 20 июнь куни уйидалигида А.Ташматовни укаси М.Тошматов келиб, “Камаз” автомашинасини у олганлигини билиб келгани, автомашина аслида унга тегишли экани, акаси А.Ташматов унга айтмасдан сотиб юборганини, автомашинани олиб кетишини билдирганида, у унга акаси А.Ташматов



ёзиб берган тилхатни кўрсатиб, “Камаз”ни унга сотганлигини, бугун автомашина тех паспортини олиб келиб беришлари кераклигини айтиб, акаси билан гаплашиб олишини билдирганида, М.Тошматов акаси билан телефонда гаплашганида, акаси унга хижолат қилмаслигини, у билан уйда гаплашиб олишини, “Камаз”ни энди қайтариб олмаслигини айтганидан кейин М.Тошматов акаси томонидан ёзиб берилган тилхатни кўриб, акасига берган 61.200.000 сўм пулни олиб келса, автомашинани олиб кетса бўладими деб сўраганида, у “Камаз”га эҳтиёт қисмлар учун ёнидан 10.000.000 сўм ҳаражат қилганини билдириб, жами 71.200.000 сўм пул олиб келса, автомашинани олиб кетаверишини, бўлмаса автомашинани тех паспортини олиб келиб беришини айтганини, ҳозирда унга етказилган 6.000 АҚШ доллари ва автомашинани таъмирлатиш учун кетган 1.000 АҚШ доллари тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб, кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар М.Тошматов суд мажлисида, 2013 йилда “Камаз русумли, 60 904 FAA давлат белгили автомашинани Жалақудуқ туманида яшовчи Илхом акадан 5.300 АҚШ долларига сотиб олгани ва фойдаланиб келганини, 2020 йил апрель ойида акаси А.Ташматов тадбиркорлик қилиш учун ғишт ишлаб чиқариш цехини ижарага олганини, акаси А.Ташматов ғишт пишириш учун кўмир олиши кераклигини, нақд пули йўқлигини, “Камаз”ни сотиб бериб туришини айтганида розилик билдирганини, шунда Пахтаобод туманида яшовчи А.Эгамов акасини ғиштхонасида бирга ишловчи Б.Шерматов билан автомашинасига ҳаридор бўлиб келишгани, автомашина А.Эгамовга маъқул келиб 8.000 АҚШ долларига сотиб олишини, олдиндан 6.000 АҚШ доллари бериб, қолган 2.000 АҚШ долларини автомашина номига ўтганидан сўнг беришини айтганида, ушбу нарҳга автомашинани сотмаслигини айтганини, шу орада отаси Ш.Тошматов вафот этгани ва ўзи билан овора бўлиб қолганини, акаси А.Ташматов унга ғиштхона ишлари қолиб кетаётгани, Пахтаобод туманида яшовчи А.Эгамовга автомашинани сотиб бермаса ҳам унга фойдаланиб туриш ва ундан гаров тариқасида 6.000 АҚШ доллари олиб туриши учун автомашинани унга беришини сўраганида розилик билдирганини, сўнг акаси А.Ташматов Пахтаобод туманида яшовчи А.Эгамовга “Камаз”ни бериб, 61.200.000 сўм пул олиб келгани ва яна 2.000 АҚШ долларини А.Эгамов уларга тех паспортни берганларидан кейин беришини айтганида, акасига нима ҳақда айтаётганини сўраганида, акаси “Камаз”ни А.Эгамовга 8.000 АҚШ долларига сотганини билдиргани, шунда у акасига “Камаз”ни нима сабабдан уни хабарисиз сотиб юборганини айтиб, Пахтаобод туманига А.Эгамов билан кўришиш учун келиб, унга акаси А.Ташматов гаровга қўйиб туриш учун “Камаз”ни олиб келиб берганини, лекин сотиб юборишига қарши бўлганлигини айтиб, автомашинани олиб кетишини билдирганида, А.Эгамов “Камаз”ни қайтариб олиб кетиш учун акаси А.Ташматовга берган 61.200.000 сўм ва таъмирлатиш учун ишлатган 000.000 сўм, жами 71.200.000 сўм пулни бериб олиб кетаверишини



айтганини, ҳозирда жабрланувчи А.Эгамовга етказилган моддий зарара учун 6.000.000 АҚШ доллари ва ремонтга кетган 1.000 АҚШ доллари тўлиқ қопланганини, акаси А.Ташматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи А.Эгамов, фуқаровий даъвогар М.Тошматов, судланувчи А.Ташматовларнинг кўрсатувларини тинглаб, ҳимоячи О.Мадаминовнинг фикрини эшитиб, судланувчи А.Ташматовни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг судда айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувлари, ариза, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи А.Ташматовни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, А.Эгамовнинг анча миқдорни ташкил қилган 60.919.140 сўм қийматга тенг бўлган 6.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдан иборат ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини инобатга олиш тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи А.Ташматовга жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини, оилавий моддий шароитини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Ташматовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги



1-сонли ва 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорларининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб икки нафар фарзанди борлигини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарни даъвоси йўқлигини, унинг жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, шахсини ҳисобга олган ҳолда оилавий моддий шароитини, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, у айбли деб топилган Жиноят кодекси моддасида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда сақланган кунларини тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегиришликни, моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи А.Эгамовга етказилган моддий зарар тўла қопланганлигини ва жабрланувчи А.Эгамов, фуқаровий даъвогар М.Тошматовларнинг судланувчи А.Ташматовга нисбатан даъволари йўқлигини инобатга олишликни ва муҳокамадан чиқаришликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Ташматов Ахмадали Шермаҳамматович (Tashmatov Axmadali Shermaxammatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

А.Ташматовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Ташматовни 2021 йил 8 сентябрдан 2021 йил 8 октябрга қадар қамоқда сақланган 30 куни ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 9 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтаттирилиб, жазо ўташ муддати А.Ташматов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Жалақудуқ туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Ташматовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.



Жабрланувчи А.Эгамовга етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги ва жабрланувчи А.Эгамов, фуқаровий даъвогар М.Тошматовларнинг судланувчи А.Ташматовга нисбатан даъволари йўқлиги инobatга олиниб, муҳокамадан чиқарилсин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар эса хукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Мирзакаримов

